



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 150 (13.483)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

САНОАТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 июль кун Тошкент вилоятига ташриф буюрди.

Тошкент вилояти юксак иқтисодий салоҳияти, улкан табиий ва инсоний ресурслари, ривожланган транспорт коммуникациялари билан мамлакатимиз тараққиётида етакчи ўрин тутди. Вилоятда кимё саноати, нефть-кимё, қора ва рангли металлургия, электротехника, машинасозлик ва металл қайта ишлаш каби замонавий саноат тармоқлари яхши ривожланган.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 13 апрелдаги Фармонида мувофиқ ташкил этилган "Ангрен" махсус индустриал зонаси бу борадаги салоҳиятдан тўла фойдаланиш, юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишда муҳим омил бўлди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 26 октябрдаги Фармонида мувофиқ ушбу ҳудуд "Ангрен" эркин иқтисодий зонаси, деб аталди, имкониятлари ва имтиёзлари янада кенгайтирилди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 20 сентябрь кун Ангрен шаҳрига ташриф буюриб, ушбу зонада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йirik инвестиция лойиҳалари билан танишган эди.

Улардан бири Хитойнинг "Поли техноложиз" компанияси билан ҳамкорликда конвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналари ишлаб чиқариш лойиҳасидир. Лойиҳага қўра, йилига 100 минг погон метр конвейер лентаси, 200 мингта қишлоқ хўжалиги техникаси шинаси, 3 миллион дона автомобиль шинаси ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Президентимиз Ангрен шаҳрига ташриф буюриб, мазкур лойиҳа ижросининг бориши билан танишди.

Конвейер лентаси ва шиналар саноат, қишлоқ хўжалиги, умуман, одамлар ҳаёти учун энг зарур маҳсулотлардан ҳисобланади. Улар ҳозирча хориждан олиб келинмоқда. Бу товарларни мамлакатимизда ишлаб чиқариш импорт ўрнини тўлдирши, валюта маблағларини тежаш, шу билан бирга, экспортдан фойда топиш имконини беради.

Бу завод мамлакатимиз иқтисодиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга, деди Президентимиз. Бу ерда жаҳон стандартларига мос, юқори сифат ва кенг номенклатурадаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Одамлар барқарор даромад манбаига эга бўлиб, ҳаётдан рози бўлиб яшайди.

Заводда "Bars" бренди остида 21 хил ўлчамдаги автошиналар ишлаб чиқарилади ва "ЖМ Ўзбекистон" қўшма корхонасига етказиб берилади. Қишлоқ хўжалигида энг кўп прицеп шинаси ва тракторнинг олд шинасига эҳтиёж сезилади. Корхонада тайёрланадиган ушбу маҳсулотлар – 140 минг дона прицеп, 60 минг дона трактор шиналари дехон ва фермерлар ишига мадда бўлади. Конвейер лентасининг ҳам икки хили – резина матоли ва резина тросли турлари ишлаб чиқарилади. Икки бозорни таъминлашдан ташқари йилига қарийб 60 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари завод хомашёсини маҳаллийлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Жиззах нефтни қайта ишлаш мажмуаси ишга тушган, ушбу заводнинг 50 фоиз хомашёсини етказиб беради. Шу билан бирга, хомашёнинг муқобил манбаларини излаш, хусусан, юртимизда каучук олинадиган дарахтларни етиштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Завод ишга туширилгач, 1 минг 200 га яқин киши иш билан таъминланади. Ёшлар замонавий технологияларни эгаллаб, малакали кадр бўлиб шаклланади. Ҳозирча 68 мутахассис Хитойда малака ошириб қайтди. Корхона учун мутахассислар аниқ, манзилли асосда тайёрланади.

Президентимиз "Поли техноложиз" компанияси билан ҳамкорлиги мустаҳкамлаш, хусусан, имкониятларни янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни чуқурлаштириш бўйича "Ўқимёсаноат" акциядорлик жамияти билан 10 йиллик стратегия ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда заводда қурилиш-монтаж ишлари жадал давом этмоқда. Режага қўра, жорий йилнинг 1 сен-

тябрь кун корхонада биринчи шина ишлаб чиқарилади ва халқаро стандарт олиш учун синовга тақдим этилади.

Шу ерда қурилиш материаллари, автомобилсозлик, электр техникаси ва нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш, "Ангрен" эркин иқтисодий зонасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, Тошкент вилоятидаги бўш турган биналардан самарали фойдаланиш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги билан қизикди, хомашёси ва бозорини суриштирди. Корхоналарни ишга туширишда сифат ва муддатга алоҳида эътибор қаратиш, энергия сарфини камайтириш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Тошкент вилоятидаги бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари негизда 18 кичик саноат зонаси ташкил этиш режасига алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент вилоятининг эртанги кун бу – саноат, деди Шавкат Мирзиёев. Ушбу майдонларда кичик-кичик корхоналар ташкил этиб, уларнинг оёққа туриб олишига кўмаклашиш, қандай маҳсулот ишлаб чиқаришни бозор талабини ва импортни ўрганиш асосида белгилаш, кейинчалик уларнинг фаолиятини кенгайтириб бориш зарур. Бунинг натижасида минглаб иш ўринлари яратилади, молиялаштириш базаси ҳам кенгайди.

Президентимиз хорижлик инвесторлар билан суҳбатлашди.

Шу ерда "Ангрен" эркин иқтисодий зонасидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёев Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ўзбегим отлари" от заводи фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда йилкичилик ва от спортини ривожлантириш, унинг моддий-техника ва озуқа базасини мустаҳкамлаш, мазкур соҳа учун мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш орқали наслдор, спорт ва хизмат отларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 15 июндаги "Ўзбекистон Республикасида йилкичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

"Ўзбегим отлари" от заводи 1992 йил ташкил этилган бўлиб, майдони 140 гектардан ортқ. Завод қадимий от зотлари, жумладан, Ахалтака тулпорларини парваришлаш ва кўпайтиришга ихтисослаштирилган. Бугунги кунда бу ерда 300 га яқин отлар парваришланмоқда.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Ахалтака зотли отлар бундан беш минг йил муқаддам пайдо бўлган. У Осиё халқларининг ёзма манбаларида само тулпорлари, аргумок, учқур айғирлар, дея таърифланган. Тошбитиклар, қояларда сақланиб қолган суратларнинг гувоҳлик беришича, Ахалтака аргумоклари қадимда ҳозирги Фарғона vodiysi, Хоразм вилояти ҳудудларида учраган. Бу отлар Туркманистонда кенг тарқалган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов совға қилган "Дўстхон" лақабли зотдор от тақдим этилди.

От заводида зотдор отларни кўпайтириш, соҳада насличилик ишларини яхшилашга қаратилган истиқболли лойиҳалар тақдими ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Паркентсой сувидан унумли фойдаланиш лойиҳаси билан танишди.

Хар қарч ердан унумли фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Томчилатиб сугориш усулини кенг жорий қилиш, тоқзорлар орасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экиш кераклиги қайд этилди.

Паркент шаҳрининг бош режаси ҳақида сўзлаб берилди. Бундан ташқари, Паркентнинг экологик тоза

ҳудудларида дам олиш ва соғломлаштириш масканларини жойлаштириш бўйича тақлифлар билдирилди. Қурилаётган дам олиш зоналари энергиятежамкор биналардан иборат бўлади.

Президентимиз Паркентнинг энг сўлим жойида адиблар учун 50 уй қуриб бериш керак, деди. Улар ижод қилиши учун шароит яратиш зарур.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент вилоятининг асосий туристик йўналишлари намойиш этилди. Вилоят ҳудудидида Чимён оромгоҳи, Чорвоқ сув омбори, Ихнож, Урунғач, Шовур, Бодак қўллари бор. Вилоятда 45 меҳмонхона, 4 туроператор, 71 санаторий, 1 кўриқхона, 5 ўрмон хўжалиги мавжуд. Мазкур имкониятлардан унумли фойдаланиш бўйича режалар, 2017-2018 йилларда вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантиришнинг асосий кўрсаткич прогноз параметрлари тақдим қилинди. Чимён оромгоҳида хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун 500 ўринли замонавий меҳмонхона мажмуаси лойиҳасининг тақдими бўлиб ўтди. Мазкур ҳудудда замонавий осма йўл қуриш лойиҳасига ҳам эътибор қаратилди. Уzunлиги 2 километр бўлган, 26 кабинадан иборат осма йўлни 10 ойда қуриш мўлжалланмоқда.

Президентимиз Бўстонлиқ тумани "Хўжакент" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидида қуриладиган "Қўш-Чинор" меҳмонхона мажмуаси лойиҳасини кўздан кечирди. Мажмуадан 130 ўринли меҳмонхона, 60 ўринли ресторан, соғломлаштириш маркази ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олган.

"Амирсой" тоғ-чанги дам олиш маскани бош режаси лойиҳаси замонавий ечимлари ва кўлами билан ажралиб туради. Бунда йилнинг турли фаслларида сайёҳларга хизмат кўрсатадиган тизим яратилади.

Президентимиз Тошкент вилоятининг сайёҳлик салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Шундай шароит бўла туриб, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаялми, деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларида тажриба сифатида меҳмон уйлари ташкил этиш бўйича тақлифлар тақдим қилинди. Бунда азалий урф-одатларимиз асосидаги тадбирларга сайёҳларни жалб этиш, уларга миллий таомлар тайёрлаш жараёнини намойиш этиш ва бошқа қизиқарли тадбирларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари лойиҳаси билан танишди. Вилоятда бу борадаги кенг қўламли ишларни янада жадаллаштиришда Президентимизнинг 2017 йил 20 июлдаги "Тошкент вилоятининг маъмурий-ҳудудий тузилишини ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент вилояти ҳудудидан ўтувчи Тошкент – Сирдарё автомобиль йўли бўйида янги турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари қурилиши мўлжалланган. Зангиота, Чиноз ва Янгийўл туманлари ҳудудидан ўтувчи йўл бўйида уй-жойлар қурилиши ва жойлашуви лойиҳаси тақдими ўтказилди. Тошкент вилояти туманлари ва шаҳарларида 5 ва 7 қаватли замонавий уй-жойлар қурилади.

Тошкент вилоятининг маъмурий маркази йўқ эди. Ҳозирги кунда Тўйтепа шаҳрини вилоятнинг маркази сифатида қайта қуриш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу борада хориждан архитекторлар тақлиф қилинган. Тўйтепа шаҳрининг бош режаси тақдими ҳам ўтказилди.

Президентимиз лойиҳа билан танишар экан, Тошкент – Тўйтепа йўли атрофида замонавий уй-жойлар қуриш, ижтимоий соҳа объектларини замон талаблари даражасида барпо этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Тошкент вилояти ҳокимлигида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди.

ЎЗА



● Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани "Қўшбармоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар муҳофазасига бағишлаб "Менинг маҳаллам – менинг оилам" мавзусида тадбир ўтказилди.

● Самарқандда "Лоқайдлик – тараққиёт кушандаси, боқимандалик – иллат" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. "Нуроний" жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими ташаббуси билан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Самарқанд шаҳридаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган уюшмаган ёшлар, вояга етмаганлар, ота-оналар иштирок этди.

● Фарғонада меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси томонидан ташкил этилган тадбирда тизимдаги корхона-ташкилотлар раҳбарлари, саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси мутахассислари, касба уюшмалари ходимлари иштирок этди.

● Тошкент вилояти Қибрай туманида ўтказилган давра суҳбати "Биз эрта турмушга қаршимиз" деб номланди. Давра суҳбатида бундай машғулотлар самарадорлигини янада ошириш, хотин-қизлар саломатлиги, соғлом авлоднинг дунёга келтириш ва баркамол этиб вояга етказиш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ниқохдан олдинги тиббий кўрикдан ўтишнинг зарурати хусусида фикр алмашилди.



● Шу кунларда Канада, Португалия, Италия, Россия ва Хорватиянинг айрим ҳудудларида ўрмон ёнгинлари давом этапти. Биргина Канаданинг ўзида ёнгинлар туфайли 39 мингдан зиёд аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Мамлакатнинг Британия Колумбияси провинциясида фавқулодда ҳолат жорий этилди. "Тилсиз ёв" айти пайтгача 350 километрдан ортқ майдонга тарқалгани айтилаяпти. Хорватиянинг Сринжине шаҳарчаси, Паг ва Вир оролларида юз бераётган ўрмон ёнгинлари эса қаттиқ шомол туфайли тобора қучайиб борапти. Бу ўт ўчирувчиларга қўшимча машаққат туғдирмоқда.

● "Ford" компанияси автомобилни бошқаришда ҳайдовчилар учун энг кўп хавф туғдирадиган пойабзалларни аниқлади. Биргина Буюк Британиянинг ўзида машина ҳайдаш учун пойабзалнинг нотўғри танланиши йилига 1,4 миллионга йўл-транспорт ҳодисасига олиб келар экан. Мутахассисларнинг фикрича, машина ҳайдашда энг хавфли пойабзал шиппак ҳисобланади. Бу пойабзал тури оёқдан чиқиб кетиб, педаль остига тушиши мумкин. Шу боис баъзи давлатларда шиппакда машина ҳайдаш тақиқланган.

● Россиянинг MISIS технологик тадқиқотлар миллий институти олимлари йўл қопламалари учун ўзини ўзи тиклайдиган асфальт бетон ишлаб чиқариш технологиясини яратди. Ток ўтказувчи углеродли "Таунит-М" кўп деворли нанокувурлар юқори индукцион мослашувчанликка эга. Қўшимча қўлланилганидан сўнг йўл бўйлаб асфальт қилувчи каток шаклидаги микротўлқинли печга ўхшаш қурилма ҳаракатланиб, йўл юзасини иситади ва нанокувурларни ҳаракатга келтиради. Натижада йўл ёриқлари ёпилиб, текисланади.

ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН

Ўзбек қўшиқчилиқ санъатининг эртанги истиқболини янада теранроқ англаш, келажак авлод олдидаги масъулиятни ҳис қилиш барчамизнинг бурчимиз. Яхши куй ва қўшиқларнинг кўпроқ яратилиши эса, баркамол авлод тарбиясида энг яхши маънавий восита ҳисобланади. Ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда қўшиқчилик санъатининг беқиёс ўрни ва таъсири бор.

Истиқлолимизнинг 26 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Яғонасан, муқаддас Ватан!" Республика кўрик-танлови ҳам ана шу эзгу мақсадларга ҳамоханг тарзда хизмат қилади.

Яқинда танловнинг Тошкент шаҳар босқичи Яшнобод туманидаги 7-сонли болалар мушқа ва санъат мактабидида юксак савияда ўтказилди.

– Мазкур танлов жаннатноманд Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачи-гидек асраш, шаънини ҳимоялаш, нубузини янада қўсқатириш, шу муқаддас юртга садоқат тўқсоли сифатида мазмунан теран, савияси етук бўлган қўшиқларни яратиш ва рағбатлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилади, – дейди Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси мутахассиси Азиза Юлдашева.

– Шу билан бирга, ёшлар орасидан иқтидор соҳибларини излаб топиш, янги қўшиқларни юксак бадиий мезонлар ва холислик асосида танлаб олиш йўлида камарбаста бўлади.

Жорий йилнинг 29 май ойидан 1 июлига қадар пойтахтимиздаги 11 та туман маданият бўлимлари томонидан 120 нафарга яқин қатнашчилар туман саралаш босқичларида иштирок этди. Шаҳар босқичида эса 50 нафарга яқин ёши, профессионал тайёргарлиги турлича бўлган ижрочилар Ватанимизни мадҳ этувчи қўшиқларини ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этди.

Қўшиқлари ва ижро маҳорати энг яхши деб топилган биринчи, иккинчи ва учинчи ўринга муносиб деб топилган иштирокчилар "Яғонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-тан-

ловининг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

– Мен ўзимнинг Шамсиддин Саодий сўзи, Шухрат Зокиров мусикаси билан айтіладиган "Элим" деб номланган қўшигим билан иштирок этиб биринчи ўринга сазовор бўлдим, – дейди танловнинг мамлакат босқичига йўлланмани қўлга киритган Мадина Файзуллаева деб билан суҳбатда. – Бу танлов ўзимга бўлган ишонччини мустаҳкамлаш билан бирга, юртимга муносиб фарзанд бўлишим кераклигини, гўзал диёримни кўз қорачи-гидек асрашимни яна бир бора англагандек тассурот қолдирди.

Дарҳақиқат, ушбу танлов ёшларни Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахл-



дорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлан-тиришга йўналтирилган бўлиб, бугунги кунда ўзининг самарали натижаларини бериб келмоқда.

Танлов келажига порлоқ ёшларимизнинг ўз иқтидорларини янада шакллантириш ва изланиши ҳамда улкан чўққиларни забт этиб боришида нурили бир доводандир.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: танловдан лавҳа

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасини ўқиб

Бу воқеага кўп йил бўлди: янги аср арафаси ё боши эдимиз, ҳайтовур, мактабда ўқирдим. Қишлоғимизда дув-дув гап тарқалди, депутатлик учун курашаётган номзодлар сайловолди кампанияси билан қишлоқларни айланаётган эмиш. Уларнинг бири яқин музофотда номи чиққан тadbirkor, рақиб ҳам катта бир корхона раҳбари эди.

Куз охирида қолган, далада иш тинган. Бекорчиликдан зериккан одамлар эрталабдан гузар бошида уймалашарди. Мактабимизда ҳам ўша кунни дарслар қолдирилган, табиийки, биз болалар томошаталаб. Тўшга яқин "бой бува" қоп-қора машинада келди. Ортдан ўртачароқ юк машинаси келиб тўхтади. Эпчилроқ бир жўрамиз кузовга осилиб, мўрағалда, қўлини томоғига арра қилди: "қоқа-қоқа"лар мана бундоқ.

Гап-сўзлар тўлиқ эсимда йўқу-я, бироқ одамлар сал ёмғир ёсқа порлаб кетадиган трансформаторни янгилаш, ҳар йили баҳорда сел олиб кетадиган кўприкни мустаҳкам қилиб қуриш каби қишлоқнинг йиллар давомида хал бўлмаган муаммоларини айтгани ёдимда. Албатта, тadbirkor "агар депутат бўлсам, барчасини "ёс" қиламан", дегани эсимда. Сўнг "бой бува" бир кур қишлоқ айлангунча гузар бошида дошқозон қурилиб, палов дамланган. Бу чоғроқ зиёфатда йиғилганларга анави зормандадан ҳам мўл-кўл тарқатилган. Қорни тўқ, кайфи тароқ "электарот"дан "бой бува"га қуюқ ваъдалар берилган: "фақат сизни сайлаймиз, бахтимизга омон бўлинг"...

Орадан бир hafta ўтиб, иккинчи номзод қишлоққа бир машина асфальт олиб келган. Анча таъмирталаб асосий кўчанинг қор-ёмғир солган чўқурлари ямалган. Шунда... сал илгари унинг рақибининг ошини еб, "бой бува"га ваъда берганлар ҳаммадан илгари югуриб чиқиб, бу рақибга ҳам "депутат бўлишга фақат ўзингиз муносиб", дея дарвозаси олди-гача асфальт тўшатиб олган...

Кейин ҳам сайловгача одамлар шу икки номзоднинг кураши ҳақида кўп гапирган, уларнинг ўзаро баҳс бойлаб қилаётган ҳомийлик ишларини таъриф-таъсиф этган. Яқунда иккиси ҳам қолиб, бошқа бир номзод ғалаба қилгач, "бой бува"га-ку жин ҳам урмаган, бироқ рақиб юрагини чангаллаб шифохонага равона бўлган: сайловолди кампанияси учун корхонанинг, анча маблагини, сарфлаб юборган экан шўрлик...

Ўша вақтлар депутатликка номзод икки рақибдан ҳам нимадир юлиб олишга ҳаракат қилганлар кўзимга балодай кўринган, уларнинг тутуриқсизлигидан нафратланганим чин. Бироқ депутат этиб сайланган валломат на сайловгача ва на сайловдан сўнг қишлоғимизга бирор марта қадам босмагач, билдимки, ўша одамлар шундай бўлишини аввалдан билган: салоомга яраша алик бўлган. Лекин хамон бир савол очик... ўшанда бундан ким нима ютган?... Албатта, илгари кўли узунроқ тadbirkorлар асосан ўз бизнесини ҳимоя қилиш ё дахлсизлик

ҳуқуқидан фойдаланиш ёки таниш-би-лишлар сафини кенгайтириш учунгина депутатликка интилан бўлиши мумкин. Бугун халқ вакили бўлиш одамлар билан бирга ўйлаб, бирга ишлаш, бирга яшаш дегани. Аслида ҳам шундай бўлиши керак.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 12 июль кунин Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишида бу борадаги ҳақиқатни рўй-рост айтди: "Бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электротар билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни талаб этмоқда. Энди "мудраб ётган" сиёсий партиялар уйғониши лозим. Улар баландларовоз гапларни четга суриб, аниқ амалий ишлар билан одамларимиз, сайловчилар ишончини қозониши, уларнинг қалбидан жой олиши керак".

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВРНИНГ МУҲИМ ТАЛАБЛАРИ

Хўш, нима учун партиялар халқ қалби-га кириб бора олмапти? Уларнинг одамларни ишонтира билмаётганига сабаб нима?

— Бунинг асосий сабаби — марказ ва кўйи бўғин ўртасида тизимли алоқа тўғри йўлга қўйилмаганида, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмоилов. — Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг муайян масалани Кенгашга олиб чиқиб, сессия муҳокама маси орқали уни хал этиш борасидаги ишлари талаб даражасида эмас. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бундан буён ҳудудлар бўйича қабул қилинадиган, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид ҳар қандай дастур лойиҳаси юзасидан партия гуруҳлари билдирадиган фикр ва таклифлар ҳисобга олиниши шарт экани қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилиши зарур. Энди маҳаллий Кенгаш депутатлари сессияларда ҳудудларни ривожлантириш дастурлари лойиҳасини кенг муҳокама қилиб, уларда сайловчиларнинг фикрини акс эттирса, бу лойиҳалар пишиқ-пuxта бўлиб, ҳаётий самара беради. Уларнинг ижросини таъминлашда ҳам депутат назорати энг таъсирчан чорадир.

Қарс — икки қўлдан. Депутат шунча қуйиб-пишиб, бир масала юзасидан мутасаддиларга депутатлик сўрови юборса-ю, унга нисбатан беписанд муносабатда бўлинса, албатта, иш олдинга силжмайди. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида Қонунчилик палатаси депутатлари вазирлик ва идораларга юборган жами 284 депутатлик сўровидан 100 тасига

қонунда белгиланган муддат бузилган ҳолда жавоб берилгани, 24 тасига умуман жавоб берилмагани бу борада анча муаммо йиғилиб қолганини кўрсатади.

Шу боис Президентимиз "Депутатга беписандлик — халққа беписандлик деб баҳолашни шарт. Халқни ҳурмат қилмаган, депутатлик ваколатини амалга оширишга тўқинлик қилган ҳар қандай мансабдор шахс қонун олдида жавоб беради. Шу сабабдан ҳам депутатлик сўровини кўриб чиқмагани ёки унга жавоб бермагани, кўриш муддатини бузгани учун жавобгарликни қўчайтириш лозим", деб таъкидлади.

— Халқ демократик партиясининг Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини олиб бориши аҳолининг бу борадаги муаммоларини ўрганиш ва хал қилишда муҳим

Президентимизнинг депутатлар ва сенаторларнинг оммавий ахборот воситалари ҳодимлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар на-шрлари савияси ва тиражини ошириш борасида билдирган фикрлари миллий парламентимизни ҳақиқий демократия мактабига айлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Балки бу борада партия на-шрларида депутатларнинг ўз электорати билан мулоқоти йўлга қўйилар. Чунки депутат нафақат учрашувларда, балки оммавий ахборот воситалари орқали ҳам одамлар билан мулоқот қилиши, уларни ўйлантираётган саволларга жавоб топи-ши мумкин.

...Ньютон ихтиро қилган табиат қонунларидан бирини физиклар уч сўзда жамлайди: таъсир — акс таъсир. Яъни, ҳар қандай жисм иккинчисига урилар экан, бундан иккиси ҳам бирдай таъсир олади, куч-қувват алмашади. Шу маънода, сиёсий партияларнинг ҳаётимизда кучли таъсирга эга бўлиши учун икки томон ҳам бирдай ҳаракат қилиши керак. Фуқаролар сиёсий партияга аъзо бўлиб, унинг ғояси, мақсад ва вазифаларини чин юракдан ҳис қилса, шу ғояни амалга ошириш учун кураша, аввало, ўз ҳаётида муҳим ҳаётий мақсадларга эга бўлади. Бунинг учун, ўз наватбатида, сиёсий партиялар ҳам халқни ишонтириши, партиясиз ва партияли ҳаёт кечирини-нинг фарқи эканини уларга исботлаб бериши керак. Шундагина сиёсий партияларимиз халқ тўқинига, депутатлар халқ ҳақиқий электоратига айланади.

Бугунги шиддатли замон мудроқликни кеҳирмайди. Онг-қалбни уйқудан уй-готидаган, йилдиримдай учқур ислохотларнинг олдинги сафларида бўладиган вақт келди. Шундай экан, ўзимизни қаттиқ бир силкиб, ялқовлик ва ишончсизлик кайфиятидан қутқалайлик. Ўрни-миздан турайлик энди...

— Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги барча танқидлари асосли, — дейди Қ.Жўраев. — Чиндан ҳам сўнгги икки-уч йилдан бери лоақа бирор марта ёш олимлар билан учрашмадик. Уларнинг муаммоларини хал қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш у ёқда турсин, ҳатто ташвишларини тингланганимиз йўқ. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун, мана, депутатларнинг ҳудудларга сафарлари бошланди. Энди белни янада маҳкам боғлаб ишлаймиз. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамна-фас бўлиб, унинг ўткир талабларига жа-воб берган тақдирдагина сиёсий куч си-фатида яшай олади.

— Президентимизнинг мазкур тарихий маърузасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партия-си ва унинг парламент қўйи палатасида-ги фракцияси фаолиятини тубдан тако-миллаштириш бўйича комплекс чора-тад-бирлар режаси ишлаб чиқилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палата-си депутати, Ўзбекистон МТДП фракция-си аъзоси Абдурашид Тўхтабоев. — Бун-да туризм соҳасини ривожлантириш йўлидаги муаммоларни, бу тармоқда ҳали ишга солинмаган катта имкониятларни ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқ-да. Бу жараёнда "Туризм тўғрисида"ги қонуннинг янги тахририни тайёрлаш ва палатага киритиш, туризм соҳасида мав-жуд камчиликларни назорат-таҳлил тар-тибидида жойларга чиқиб ўрганиш ва улар-га ечим топишга устувор аҳамият қара-тилади. Туризмни ривожлантириш йўна-лишлари аниқланиб, уларда янги иш ўринлари яратиш имкониятлари ўргани-лади. Туризм йўналишида мутахассис-лар тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги мавжуд муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ва ҳал этиш чорасини кўрамиз. Бу борада Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан бирга комплекс Ҳаракат дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.

Мазкур ишлар кўламини янада кенгайтириш, махсусот экспорт қилувчи тadbirkorларнинг йўли-да ғов бўлаётган тўсиқларни бартараф этиш орқа-ли корхоналарнинг экспорт салоҳиятини янада юк-салтириш мақсадида ЎзЛиДеП томонидан "START UP EXPORT" лойиҳаси ҳаётга жорий этил-моқда.

Тошкент шаҳрида O'zLiDeP сиёсий Кенгаши иж-роия қўмитаси томонидан мазкур лойиҳа доира-сида "Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти" мавзу-сида очик мулоқот ташкил этилди.

Унда бизнеснинг рақобатбардошлиги ва ташқи бозорларга чиқиш йўллари, экспорт қилишда ки-чик бизнес ва ҳуусий тadbirkorлик субъектла-рига кўмаклашиш ҳамда ёш тadbirkorлар фаоли-ятини қўллаб-қувватлаган ҳолда улар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсусотларни экспортга йўналтириш, бунда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш йўллари атрофича муҳокама этил-ди.

Мулоқотда лойиҳанинг мақсади ва ундан қути-лаётган натижалар ҳусусида ҳам батафсил тўхта-либ ўтилди.

Тоир Салимов, O'zLiDeP сиёсий Кенгаши иж-роия қўмитаси масъул ходими:

— Мазкур лойиҳа Президентимизнинг "Бизнес-нинг қонуний манфаатлари давлат томонидан му-ҳофаза қилиниши ва тadbirkorлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомил-лаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш ҳамда экспорт махсусотларини ишлаб чиқараётган ёш тadbirkorлар тегишли мутасад-ди ташкилот ҳамда соҳа мутахассислари томони-дан махсусот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида яратилаётган шароитлар, имтиёз ва пре-ференциялар бўйича тўлиқ маълумот алмашини ҳамда экспорт соҳасидаги илғор тadbirkorлар таж-рибасини ўрганиш ва амалий тавсиялар олиш им-кониятини яратди.

O'zLiDeP Матбуот хизматидан маълум қилишла-рича, лойиҳа доирасида иштирокчилар учун партия ҳамкорлари билан биргаликда имтиёзли кредит-лар ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилиб, ин-новация тadbirkorлигини жорий этиш, "startup" лойиҳалар, ёшларнинг, аввало олий ва ўрта мах-сус, касб-хунар таълими муассасалари битирув-чиларининг ўз бизнесини ташкил қилиш ва юри-тишга, шунингдек, аҳоли бандлиги ва даромадла-рининг жадал ўсишини таъминлашга хизмат қила-диган кичик, ҳусусий ва оилавий тadbirkorлик, касаначилиқнинг турли шакллари жадал ривож-лантиришга ва ишлаб чиқарилган махсусотларнинг экспортини қўллаб-қувватлашга фаол кўмаклаши-лади.

Шунингдек, мулоқотда кечган қизгин муҳокама-лар давомида Республикасида корхоналарини тех-ник таъминотида лизинг компанияларининг ишти-рокини қўлайтириш, Ўзбекистон экспортида "Ўзса-ноатэкспорт" АЖнинг ролини ошириш, экспорт по-тенциалини юксалтиришда метрология, стандар-лаштириш ва мутаносиблигини баҳолашнинг ўрни ҳамда мазкур фаолият турини ривожлантиришда тўқсинлик қилаётган масалалар ва уларнинг ечи-мига эътибор қаратилди.

Мулоқот давомида махсусотларини бир нечта хо-рижий мамлакатларга экспорт қилувчи тажрибали ишбилармонлар ёш тadbirkorларга маслаҳатлар бериб, ўзаро тажриба алмашинди.

Ўрол ҲАМИДУЛЛАЕВ,
"Туркистон-пресс"

"START UP EXPORT":

ТЎСИҚЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Жорий йил бошидан буён пойтахтимизда илгари ўз махсусотини экспорт қилмаган 258 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, товарларнинг 117 та янги турини экспорт қилиш, шунингдек, 28 та янги ташқи сотиш бозори ўзлаштирилди.

Мазкур ишлар кўламини янада кенгайтириш, махсусот экспорт қилувчи тadbirkorларнинг йўли-да ғов бўлаётган тўсиқларни бартараф этиш орқа-ли корхоналарнинг экспорт салоҳиятини янада юк-салтириш мақсадида ЎзЛиДеП томонидан "START UP EXPORT" лойиҳаси ҳаётга жорий этил-моқда.

Тошкент шаҳрида O'zLiDeP сиёсий Кенгаши иж-роия қўмитаси томонидан мазкур лойиҳа доира-сида "Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти" мавзу-сида очик мулоқот ташкил этилди.

Унда бизнеснинг рақобатбардошлиги ва ташқи бозорларга чиқиш йўллари, экспорт қилишда ки-чик бизнес ва ҳуусий тadbirkorлик субъектла-рига кўмаклашиш ҳамда ёш тadbirkorлар фаоли-ятини қўллаб-қувватлаган ҳолда улар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсусотларни экспортга йўналтириш, бунда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш йўллари атрофича муҳокама этил-ди.

Мулоқотда лойиҳанинг мақсади ва ундан қути-лаётган натижалар ҳусусида ҳам батафсил тўхта-либ ўтилди.

Тоир Салимов, O'zLiDeP сиёсий Кенгаши иж-роия қўмитаси масъул ходими:

— Мазкур лойиҳа Президентимизнинг "Бизнес-нинг қонуний манфаатлари давлат томонидан му-ҳофаза қилиниши ва тadbirkorлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомил-лаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш ҳамда экспорт махсусотларини ишлаб чиқараётган ёш тadbirkorлар тегишли мутасад-ди ташкилот ҳамда соҳа мутахассислари томони-дан махсусот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида яратилаётган шароитлар, имтиёз ва пре-ференциялар бўйича тўлиқ маълумот алмашини ҳамда экспорт соҳасидаги илғор тadbirkorлар таж-рибасини ўрганиш ва амалий тавсиялар олиш им-кониятини яратди.

O'zLiDeP Матбуот хизматидан маълум қилишла-рича, лойиҳа доирасида иштирокчилар учун партия ҳамкорлари билан биргаликда имтиёзли кредит-лар ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилиб, ин-новация тadbirkorлигини жорий этиш, "startup" лойиҳалар, ёшларнинг, аввало олий ва ўрта мах-сус, касб-хунар таълими муассасалари битирув-чиларининг ўз бизнесини ташкил қилиш ва юри-тишга, шунингдек, аҳоли бандлиги ва даромадла-рининг жадал ўсишини таъминлашга хизмат қила-диган кичик, ҳусусий ва оилавий тadbirkorлик, касаначилиқнинг турли шакллари жадал ривож-лантиришга ва ишлаб чиқарилган махсусотларнинг экспортини қўллаб-қувватлашга фаол кўмаклаши-лади.

Шунингдек, мулоқотда кечган қизгин муҳокама-лар давомида Республикасида корхоналарини тех-ник таъминотида лизинг компанияларининг ишти-рокини қўлайтириш, Ўзбекистон экспортида "Ўзса-ноатэкспорт" АЖнинг ролини ошириш, экспорт по-тенциалини юксалтиришда метрология, стандар-лаштириш ва мутаносиблигини баҳолашнинг ўрни ҳамда мазкур фаолият турини ривожлантиришда тўқсинлик қилаётган масалалар ва уларнинг ечи-мига эътибор қаратилди.

Мулоқот давомида махсусотларини бир нечта хо-рижий мамлакатларга экспорт қилувчи тажрибали ишбилармонлар ёш тadbirkorларга маслаҳатлар бериб, ўзаро тажриба алмашинди.

Ўрол ҲАМИДУЛЛАЕВ,
"Туркистон-пресс"

ТИНГЛОВЧИЛАР ИМТИҲОН ТОПШИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари академиясида академия олий курсини битираётган тингловчилар давлат имтиҳонларини топширди.

Ҳарбий таълим тизимининг самарадорлиги мамла-катимиз мудофаа салоҳиятини оширишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳарбий кадрлар-ни тайёрлаш тизими Ўзбекистон Республикаси Қуро-ли Кучлари сафларига мутахассис кадрларни тайёр-лашнинг асосий воситасидир.

Мамлакатимизда миллий ҳарбий кадрларни тайёр-лаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг за-монавий талабларига жавоб берадиган самарали ти-зим яратилган. Бу миллий армиямиз сафларини пухта тайёргарликка эга, интеллектуал жиҳатдан етук, эркин фикрлай оладиган мутахассислар билан тўлдириш им-конини бермоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида барча бўғиндаги профессионал ҳар-бий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, таълим жараёнига энг янги усул ва технологияларни жорий этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берил-ган. Мазкур вазифалар босқичма-босқич амалга оши-рилмоқда.

Мазкур битирувчи курс тингловчилар икки йил да-вомида мутахассисликлари бўйича мустаҳкам билим ва қўникмаларга эга бўлди. Тингловчилар Миллий ғоя ва Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, чет тиллари ҳамда оператив тактик тайёргарлик фанлари бўйича синовдан ўтказилди. Имтиҳондан сўнг тингловчилар ўз мутахассислиги бўйича диплом ишларини ҳимоя қилди.

Н.НАСРИЕВ

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Тошкентдаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида Европа Менежмент ва технологиялар мактаби (Германия) билан ҳамкорликда акциядорлик жамияти ва компаниялари менежерлари учун корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларига бағишланган қўшма ўқув курсларининг дастлабки босқичи ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ва Германия мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастурига кўра, тингловчилар турли корпоратив бошқарув усулларининг ишлаш принциплари билан таништирилади, корпоратив бошқарувнинг бугунги ҳолати ва уни янада такомиллаштириш масаласини ўрганишга ёрдам берадиган машғулотлар ўтказилади. Тингловчилар акциядорлик жамиятла-рида Корпоратив бошқарув кодексини жорий қилиш, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш ва акциядорлик жа-миятларини назорат қилиш тизимларини интеграциялаштириш бўйича би-лимларини бойитилади.

Ўқув курсларида акциядорлик жамиятларида халқаро аудит стандартла-ри ва халқаро молиявий ҳисобдорлик стандартларини жорий қилиш, кор-поратив қимматли қозғолар эмиссияси ва уларни сотишни ўрганиш, жами-ятнинг заёмлар ва қарз капитали бозоридида иштирокини кенгайтиришга алоҳида ўрин ажратилган.

Биринчи босқич курсларидан сўнг режалаштирилган тест синовларида яхши натижа кўрсатган 48 тингловчи Германия иқтисодиётининг турли со-ҳаларида етакчи бўлган "Commerzbank", "T-Labs", "McKinsey & Company", "Berlin Chemie" ва "SAP" компанияларида малака ошириш имкониятига эга бўлади. Корпоратив бошқарув ва менежментнинг замонавий усуллари жо-рий этилган ушбу компанияларда Ўзбекистонлик мутахассислар учун бош-қарув ва назорат тизимини ташкил этиш бўйича тақдимотлар ўтказилади, бевосита ишлаб чиқариш жараёнари билан таништирилади. Шунингдек, менежмент тузилмаси ва унинг самарадорлигини баҳолашга тааллуқли ма-салалар юзасидан фикр алмашилади.

Берлиндаги Европа менежмент ва технологиялар мактабидида иштирокчи-лар учун бизнесни моделлаштириш ва самарадорлиқнинг асосий кўрсат-кичларини ҳисоблаш, корхонани ривожлантириш стратегиясини белгилаш бўйича машғулотлар ўтказилади.

Қўшма ўқув курсларининг иккинчи босқичи шу йилнинг 7-14 сентябрь кунлари Германияда ўтказилади.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири



ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСINI ТЕЖАШ ДАВР ТАЛАБИ

Юртимизда кичик бизнес ва тadbirkorликка кенг кўламда имкониятлар ва имтиёзлар яратилиши натижасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси йилдан йилга ривожланмоқда.

Бугунги кунда иқтисодий инфратузилма ривожланишини электр энергиясиз та-саввур қилиб бўлмайди. Ўз наватбатида иш-лаб чиқаришда энергия тежамкор ускуна ва қурилмалардан фойдаланиш ишлаб чи-қарилаётган махсусот нархини пасайиши-га таъсир кўрсатиш билан биргаликда мам-лакат табиий бойлигини самарасиз ва но-оқилона фойдаланишдан ҳам асрайди. Шу ўринда бугунги кунда бутун дунёда энг те-жамкор ҳамда экологик жиҳатдан хавфсиз ва тоза бўлган диодли лампалар респуб-ликаимизда ишлаб чиқарилиши истиқболи-мизнинг яна бир ютуқларидан биридир.

Диодли лампалар ўзидан аввалги ишлаб чиқарилган лампаларга нисбатан бир қанча афзалликларга эга, яъни чулғамли лампаларга

нисбатан 10 қарра, энергия тежамкор газли лампаларга нисбатан 3 қарра электр энергия-сини кам истеъмол қилади, ишлаш соати 3-5 марта юқори, қучлиниш ва иқлим ўзгари-шига кам таъсирлидир.

Электр энергиясини тежаш ҳамда ундан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсади-да барча соҳадаги ёритиш қурилмаларида диодли лампалар ўрнатилиши бўйича Ўзе-бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қатор қонунлар, қарорлар ва дас-турлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича босқичма-босқич ишлар олиб боришмоқда.

Бахтиёр ХОЛМАТОВ,
"Ўздавэнергоназорат" инспектори
Тошкент шаҳар бўлими инспектори

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида сўзлаган маърузаси ҳамда 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ёш авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилашда янги даврни бошлаб берди.

Маълумки, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шу кунга қадар асосан уюшган ёшлар орасида иш олиб борувчи, жойларда маҳаллий ҳокимликларнинг топшириқларини ижро этувчи, уюшмаган ёшлар ҳаётидан бутунлай узилган, мамлакат микросида бирор тайинли ташаббус ёки янгиларни ҳаётга жорий этиш ғояси билан чиқмаган заиф ташкилотга айланиб қолган эди. Бу ташкилот ўз фаолиятини асосан икки йўналишда олиб борар, яъни бир йилда бир ёки икки марта катта стадионларда 10-15 минг ёшларни мажбурий тарзда тўплаб, шоу-концерт ўтказиш ҳамда бирор мавзу доирасида таълим муассасалари талаба ва ўқувчилари ўртасида гуруҳий тадбирлар ташкил этиш билан чекланар эди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати миллионлаб уюшмаган ёшларнинг ҳақиқий муаммолари, дарду ташвишлари, орзу ва мақсадларидан бегона бўлиб қолган эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида айнан мана шу муаммоларга алоҳида тўхталиб, ёшлар ташкилоти бугунги куннинг руҳини ифодалашини, Ватанимиз тараққиётга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишини, ёшларнинг муаммоларини теран англаган ҳолда уларнинг мақбул ечимларини асослаб, жамият ва давлат эътиборига чиқаришни, ўсиб келаётган авлод маънавияти, дунёқарабини миллий манфаатларимизга, давлатимизнинг устувор тараққиёт йўналишларига уйғун тарзда шакллантиришини ўзининг асосий вазифаларига айлантириши зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати том маънодаги ом-

мавий ҳаракатларга айланмагани, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни катта мақсадлар сари сафарбар этиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, қисқача айтганда, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бирор тайинли иш қилинмагани, кўпгина ишлар номига ва қоғозда бажарилгани қаттиқ танқид остига олинди. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида тарбия, китобхонлик кўникмаси, раҳбар масъулияти, тадбиркор маърифати, уюшмаган ёшлар ва бошқа тушунчаларга ҳам таъриф бериб ўтди. Хусусан, уюшмаган ёшлар тушунчасига ҳам илмий адабиётларда ҳали изоҳи бўлмаган ижтимоий ҳолатга “уюшмаган, яъни, ишламайдиган, ўқимайдиган, тайинли бирор машғулотга эга бўлмаган,

ЁШЛИК ҚУЁШИ БАЛҚИМОҚДА

салбий таъсирларга берилувчи ёшлар”, деб аниқ таърифни берди.

Президентимиз “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатига нисбатан фақат юқори давлат раҳбарларининг эмас, балки жамиятнинг рўй-рост баҳонасини ҳам айтиб ўтди. Бугунги кунда кенг жамоатчилик, айниқса ёшларнинг ўзи Президентнинг виртуал ва халқ қабулхоналарига келиб, “бизни ҳеч ким эшитмайди”, “ҳеч ким биз билан қизикмайди” деган фикрларни изоҳ этишмоқда.

Дунёдаги аксарият мамлакатларда ёшлар билан ишлаш услуби жуда оддий, яъни ёшлар билан бевосита



мулоқот қилиш ва уларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этишга кўмаклашишдир. Давлатимиз раҳбари мамлакатдаги барча масалалар, хусусан, ёшлар муаммоларини ечишда ҳам ҳалоллик ва тўғрилик тамойили билан ёндашиш зарурлигини, яъни одамлардан иш талаб этгандан кейин уларнинг иш шароитини ҳам ҳозирлаб қўйиш лозимлигига алоҳида урғу берди. Қурултойда “Камолот” ёшлар

ни, бой маънавий қадриятларимизни ўзлаштирган, ҳақиқий китобхонлик кўникмасини шакллантирган ташаббускор, иродали ва шахсий масъулиятни чуқур англаган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг сафини узлуксиз кенгайтириб бора оладиган ташкилотга айлантириш имкониятлари айтилди.

Хусусан, бу имкониятлар қаторига фаолларга имтиёзли кредитлар бериш, уларнинг 35-40 фоизини ташкилот ҳисобидан тўлаб бериш, яъни давлат муқофотлари ва медалъ жорий этиш, ташкилот ходимлари ойлик маошлари, хизмат автомашиналари билан таъминланиши, хорижий таълим муассасаларида малака оширишлари, ёшлар учун дам олиш имкониятларининг кенгайтирилиши, лавозим мавқеининг кескин оширилишидан иборат қатор имкониятлар қўшилгани иттифоқ фаолияти самарадорлигини янада оширади. Эндиликда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи янгиланиш ва тараққиёт модели бўлган Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда ҳал қилувчи кучга, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоячисига, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришда ҳақиқий таянч ва суянчга айланиши шубҳасиздир.

Ҳасан БЕКМУРОДОВ,
Республика Маънавият тарғибот
маркази матбуот котиби

МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан “Миллий маънавиятимиз сарчашмалари” мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

Президентимизнинг жорий йил 11 июлдаги “Абдуҳолиқ Фихудуновий таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳроуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши ижроси доирасида ташкил этилган семинарда мамлакатимизда буюк аждодларимиз тарихини ўрганиш, уларнинг илм-фан ривожига қўшган улкан ҳиссасини тарғиб қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Абдуҳолиқ Фихудуновий ва Баҳроуддин Нақшбанд ҳаёти ва ижоди ҳақида маърузалар тингланди.

Абдуҳолиқ Фихудуновий ўз замонасининг алломаси – зоҳирий ва ботиний илмлар олими бўлган. Йигирма икки ёшида Баҳроуддин машхур шайх Абу Ёқуб Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, ул зотга мурид тушган.

Баҳроуддин Нақшбанд асрлар оша “Шайх Нақшбанд”, “Хўжаи Бузург”, “Шоҳ Нақшбанд” номлари билан маълум ва машхур бўлиб, сўфийликнинг нақшбандия тариқатига асос солган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида нақшбандийликка оид 195 қўлёзма ва китоб сақланмоқда.

Айни пайтда шарқшунос олимларимиз ҳар икки мутафаккирнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва улардан халқимизни баҳраманд этиш бўйича илмий-амалий ишлар олиб бормоқда.

КИНОАСАРЛАР ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИДА

Пойтахтимизда Кинематографияни ривожлантириш маркази қошидаги Кинолойиҳалар ва кино маҳсулотларни профессионал баҳолаш интерактив мунозара клуби экспертлар кенгаши ўзининг дастлабки муҳокамасини ўтказди. Унда режиссёр М.Охуновнинг “Ада эмас, дада” ва С.Абдуллаевнинг “Дайди” бадий фильмлари таҳлил қилинди.

Муҳокамаларда санъат арбоблари, киношунослар, сценарийнавис ва режиссёрлар, кинематография ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Мамлакатимизда эркин демократик жамият барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракатларини, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини кино санъати воситасида бадий акс эттириш, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ғоявий-бадий савиясини ошириш, уни ҳозирги замон талаблари асосида янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳаракатлар стратегияси бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Хусусий киностудиялар ижодий фаолиятига кўмаклашиш, улар томонидан яратилаётган фильмларнинг сифати ва бадий даражасини ошириш мақсадида ташкил этилган Кинолойиҳалар ва кино маҳсулотларни профессионал баҳолаш интерактив мунозара клубида кинолойиҳалар ва фильмларни профессионал баҳолаш жамоатчилиги кенгаши томонидан амалга оширилади.

– Бугун муҳокама қилинган фильмларда Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, оилага садоқат, уят, андиша каби муқаддас туйғулар улуғланиб, ёт ғоя ва иллатлар қораланиши комедик руҳда ифода этилган, – дейди Кинематографияни ривожлантириш маркази ижрочи директори М.Мухторов. – Бу ғоялар томошабинда ўзлгизимизни унутмаслик ва миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурматни янада оширишга хизмат қилади.

(ЎЗА)

Реклама ва эълонлар

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Академиклар шаҳарчаси, Зиёилар кўчаси, 7а-уйда жойлашган “ZANGORI NUR” МЧЖ номига 12.04.2010 йилда ер участкасига берилган ОУ №212285 сонли ҳамда бино иншоотта 12.04.2010 йилда берилган ТА №0929460 сонли гувоҳномалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Маънавият

АСКАР КУТУБХОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, Ватан ҳимоячиларининг маънавиятини юксалтириш, онг ва тафаккурини янада тараққийлантириш мақсадида ҳарбий қисм кутубхоналарининг китоб фондиди бойитиш, ҳарбий хизматчиларни китобларни мутолаа қилишга кенг жалб қилиш бўйича самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган матбуот анжумани ҳам “Замонамиз қаҳрамонлари” руҳини остида чоп этилган Олимпиада ўйинлари ғолиблари – Ҳасанбой Дўсматов ва Руслан Нурудинов ҳақидаги китобларнинг тақдироти-га бағишланди.

Мазкур китоблар 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз байроғини юксакларга кўтариб, юртимиз доғругини бутун дунёга кенг таратаётган спортчиларимиз – Ҳасанбой Дўсматов ва Руслан Нурудиновнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Иқбол Мирзаалиев, “Ёшлар” журнали бош муҳаррири Нодир Жонузоқ ушбу китобларнинг муаллифи сифатида бу каби асарлар ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга, спортга бўлган қизиқишларини орттиришга ҳисса қўшишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши ҳақида сўз юритди.

Анжуманда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ҳарбий академик лицейларга “Темурубеклар мактаби” номи берилиши Ватанимизнинг ҳар бир фуқаросига ифтихор бахш этишини, ҳарбий академик лицейларимиз соҳибқирон бобомизга муносиб ёш авлодларни вояга етказадиган, ҳам маънан, ҳам жисмонан энг салоҳиятли ёшлар тахсил оладиган, бир сўз билан айтганда асл мардлик, фидойилик ва ватанпарварларни тарбиялайдиган масканга айланганини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

Матбуот анжумани якунида журналистларни қизиқтирган саволларига батафсил жавоб берилди.

Гульнор САТТОРОВА

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмонан ва маънан соғлом, юксак интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ТИББИЙ КЎРИК ТИББИЙ МАДАНИЯТ БЕЛГИСИ

Бу борада “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари томонидан маҳалла ва қишлоқлар аҳолиси, жумладан, вояга етмаганлар, туғруқ ёшидаги аёллар, кекса ва ногиронлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилмоқда, уларга соғлом турмуш тарзининг аҳолияти борасида керакли билимлар берилмоқда. “ОИТС”, “Гиёҳвандлик”, “Соғлом турмуш тарзи”, “Репродуктив саломатлик” ва “Қизларни эрта турмушга беришнинг салбий оқибатлари” мавзуларида мунтазам ташкил этилаётган давра суҳбатлари аҳоли тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Маълумотларга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 753 қишлоқ ва 1 минг 745 маҳалласидаги 12 мингга яқин оила-

нинг ижтимоий шароити, психологик муҳити ва болалар соғлиги ўрганилиб, 136 мингга яқин аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилган.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги “Шо-файзи” маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган навбатдаги тиббий кўриқ туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси шифокорлари билан ҳамкорликда амалга оширилди. Унда асосан кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, аёллар ва болалар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилди. Худуддаги таълим муассасалари ўқувчилари орасида соғлом турмуш тарзи ва репродуктив саломатлиқни тўғри шакллантириш юзасидан тушунтириш ва тарғибот ишлари ўтказилди.

М.ҚОСИМОВА

Реклама ва эълонлар

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ!

Ўзбекистон Республикасида етакчи ҳарбий таълим маскани ҳисобланиб, ҳарбий мутахассисларни тайёрлашда юқори мавқега эга бўлган Куролли Кучлар академияси куйидаги кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Табиий-илмий фанлар йўналиши бўйича:

кафедра мудири – 1 ўрин;
кафедра мудири ўринбосари – 1 ўрин;
доцент (физика) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи (олий математика) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи (физика) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи (чизма геометрия ва муҳандислик графикаси) – 1 ўрин;
ўқитувчи (олий математика) – 1 ўрин;
ўқитувчи (электротехника) – 1 ўрин.

2. Жаҳон тиллари йўналиши бўйича:

кафедра мудири – 1 ўрин;
кафедра мудири ўринбосари – 1 ўрин;
доцент (инглиз тили) – 1 ўрин;
доцент (рус тили) – 1 ўрин;
доцент (немис тили) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи (инглиз тили) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи (рус тили) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи (немис тили) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи (форс тили) – 1 ўрин;
ўқитувчи (рус тили) – 1 ўрин;
ўқитувчи (форс тили) – 1 ўрин;
ўқитувчи (немис тили) – 1 ўрин;
ўқитувчи (инглиз тили) – 1 ўрин;

3. Қўшинлар ва уларнинг қундалик фаолиятини бошқариш йўналиши бўйича: (Алоқа ва ахборот тизими)

катта ўқитувчи-доцент (информатика ва ахборот технологиялари) – 1 ўрин;
ўқитувчи (информатика ва ахборот технологиялари) – 1 ўрин;

Қўшинларни хизмат (жанговар) фаолиятини бошқариш

катта ўқитувчи-доцент – 1 ўрин;
4. Жисмоний тайёргарлик ва спорт йўналиши бўйича:
ўқитувчи – 1 ўрин;

5. Гуманитар фанлари йўналиши бўйича:

Гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар цикли
доцент (ҳуқуқ) – 1 ўрин;
ўқитувчи (иқтисодиёт назарияси) – 1 ўрин;
ўқитувчи (фалсафа) – 1 ўрин.
Педагогика ва психология цикли
доцент (психология) – 1 ўрин;
ўқитувчи (психология) – 1 ўрин;
ўқитувчи (социология) – 1 ўрин;

Танловда қатнашиш учун куйидаги хужжатлар талаб этилади:

Академия бошлиғи номига ариза;
кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси.
Қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини тақдим этишлари лозим.

Хужжатлар газетда эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мuddат ичида қабул қилинади.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 2. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари академияси. Телефонлар: 268-17-20, 268-17-21, 268-56-70.



Ўз – ўтмоқда соз



Ислом Исломов олган суратлар

СОҒЛОМ КЕЛАЖАК САРИ

Пойтахтимизда жойлашган 28-умумтаълим мактаб қошидаги “Қалдирғоч” номли болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида “Ёзги таътилда соғлом келажак сари” деб номланган маънавий-маърифий тадбир Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Олмазор туман ташкилоти ҳамда туман маданият бўлими билан ҳамкорликда ўтказилди.

Тадбирни Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Олмазор туман ташкилоти ижрочи директори Х.Аҳмедова, “Қалдирғоч” болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Ш.Сатторова Президентимиз томонидан ёш авлодга барча қулай шарт-шароитлар яратилаётганлиги ва бу имкониятлардан унумли фойдаланиш кераклиги тўғрисида сўз юритиб, болажонларга ва барча иштирокчиларга ўз миннатдорчиликларини билдирди.

Мазкур мактабнинг иқтидорли ўқувчилари ўзла-

рининг ажойиб рақс ва куй-қўшиқлари билан чиқиш қилиб, тадбир иштирокчиларига янада кўтаринки кайфият улашти. Шунингдек тадбир давомида азиз болажонлар учун “Ёнгиндан сақланган” ҳамда “Соғлом тишлар – соғлом табассум” мавзусида викторина саволлари ташкил қилинди. Бунда ғолиб бўлган болажонлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

– Бизнинг ташкилотимиз инсонпарварлик, ҳолислик, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрийлик,

ягоналик, умумийлик каби тамойиллар асосида фаолият кўрсатиб келмоқда, – дейди Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Олмазор туман ташкилоти “Меҳр-шафқат” ҳамшираси Гулчеҳра Сайфуллаева. – Тадбирнинг “Ёзги таътилда соғлом келажак сари” деб номланиши ҳам бежизга эмас. Чунки ушбу тадбир давомида “Шахсий гигиенага амал қилиш ва юқумли касалликларнинг олдини олиш”, “Кун тартибига риоя қилиш”, “ОИТСсиз келажак сари” ва бошқа мавзуларда тақдиротлар ўтказилиб, бу борада болажонларга етарлича маълумотлар берилди.

Туман маданият марказининг хушовоз хонандалари томонидан янграган ажойиб куй ва қўшиқлар болажонлар ва бошқа иштирокчиларга бирдай манзур бўлди.

Зафар НАЗАРОВ

Қилмиш – қидирмиш

ФИРИБГАРЛАРДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ

Бировнинг ҳақиқа хийнат қилиш, ўзгаларни алдаш ёки бошқаларнинг жабр кўриши, азият чекиши ҳисобига топилган бойлик кишига ҳеч қачон яхшилиқ олиб келмайди. Аммо минг афсуски, кейинги пайтларда одамларнинг бир-бирини алдаб кетаётгани, тап тортмасдан ўзганининг ҳақиқа хийнат қилинаётгани, фибрибарлик, чув тушириш билан боғлиқ жиноятларга кўплаб дуч келмоқдамиз.

Бундай жиноятларнинг содир этилишида олий маълумотли, кўпни кўрган одамларнинг борлиги эса кишини ажаблантиради. Тўғри, бу ҳаётда ҳамма ҳам яхши яшаши, орзу-мақсадларини амалга оширишга интилади. Аммо бу бировларнинг ҳисобига, бошқаларни алдаб, чув тушириш эвазига бўлмаслиги керак.

Абдулла Асадиллаев (исм-шарифлар ўзгартирилган) эса бунга англаб етмади, тўғриси айтганда, жарақ-жарақ пуллар унинг кўзини кўр қилди. Олий маълумотли бу кимса илгари қурилиш фирмаларидан бирининг раҳбари бўлиб ишлаган. Қайсидир қилмиш эвазига жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур тумани суди томонидан 2007 йилда Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан айбли деб топилиб, бир йил муддатга раҳбарлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазибаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда жари-ма жазосига тортилган.

Инсонга жазо нима учун берилди, албатта, қилган хатолари, нотўғри ишларидан ўзига тўғри хулоса чиқарсин, бошқа нолу ва қонунга хилоф ишлар қилмасин деб. Аммо А.Асадиллаевга ўхшаганлар қилмишларидан тўғри хулоса чиқариши қийин. Уларнинг асосий мақсади тез ва осон, шу билан бирга, кўп пул топишдир. Бу йўлда ўзгаларни ишончини суиистеъмол қилиш улар учун ҳеч гап эмас.

Мисол учун, А.Асадиллаев фуқаро Н.Шералиевга “Ласетти” автомашинаси олиб бериш ваъда қилиб, 12 минг 400 АҚШ доллари миқдоридagi пулни олиб, ваъдасини бажармасдан уларни шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборади. Шунингдек, Р.Лебедеванинг ишончига қилиб, “Матиз” русумли автомашина олиб бермади, унинг 32 миллион сўм пулини олиб, қайтариб бермади. Х.Алиев эса уй оламан деб йиққан-терганини А.Асадиллаевнинг фибрибарлигидан беҳабар унга топириб қўйди. “Қаҳрамонимиз” Чилонзор тумани 3-мавзедagi бир хонадонни Х.Алиевга расмийлаштириб бериш ваъда қилиб, ундан 28 минг АҚШ долларини олади-ю пуллари бошқа мақсадга ишлатди. Шу тариқа А.Асадиллаев 2014, 2015 ва 2016 йиллар давомида бир неча фуқароларнинг ишончига қилиб, жами 50 минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағларини ўз эҳтиёжига сарфлаб юборган.

А.Асадиллаев Чилонзор туман суди томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра айбли деб топилиб ва қонуний жазо тайинланди.

Бу ишларда озми, кўпми жабрланувчиларнинг ўзлари ҳам айбдордир. Чунки ҳар бир фуқаро қонуний йўлни танлаб, ўз маблағларини ўзлари яхши билмаган одамга, яъни фибрибарларга топириб қўймаганда эди бундай ҳолатлар юз бермаган бўларди.

Муҳайё ПАТТАЕВА,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛКК Департаменти Чилонзор
тумани бўлим катта суриштирувчиси

Спорт янгиликлари

ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ ЙИҒИНИ УЮШТИРИЛДИ

Маълумки, футбол бўйича 2018 йилда Россияда уюштирилаётган жаҳон чемпионати йўлланмаси учун курашаётган Ўзбекистон миллий терма жамоамиз Хитой ҳамда Жанубий Корея терма жамоаларига қарши кечадагидан турнирининг сўнгги учрашувларига тайёргарлик кўриши лозим эди.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг 17-23 июль кунлари Туркияда миллий терма жамоамиз ўқув-машғулот йиғинида иштирок этди. Бу сафар йиғинга маҳаллий чемпионатимизда тўп сураётган 20 нафар футболчи жалб этилди.

Дарвоқе, Хитой ҳамда Жанубий Корея терма жамоаларига қарши кечадагидан муҳим ўйинларга пухта тайёргарлик кўришни режалаштирган миллий терма жамоамиз бош мураббийси Самвел Бабаев Россиянинг “Анжи” клубида машҳур мураббий Гус Худдинк-

ка бевосита ёрдам берган нигериялик Чима Мишель Онекени Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийлар штабига таклиф этди. Хуллас, Онеке терма жамоамизда футболчиларнинг жисмоний тайёргарлигига масъул мураббий сифатида иш бошлади. Маълумот ўрнида айтиш керакки, нигериялик 42 ёшли мутахассис Чима Мишель Онеке терма жамоамизга келгунча қадар Германиянинг “Штутгарт” клубида жисмоний тайёргарлик бўйича мураббий бўлиб ишлаётган эди.

Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан мамлакат биринчилигида фаолият олиб бораётган ҳакамлар ва назоратчилар иштирокида семинар уюштирилди.

ТЕСТ СИНОВЛАРИДАН ЎТИШДИ

ЎФФ расмий сайти хабарига кўра семинарда қатнашган ҳакамлар жисмоний тайёргарлик бўйича тест синовларидан ўтишди, ўйин эпизодлари юзасидан бир қатор қўлланмаларни муҳокама қилишди.

Олий лига ҳакамлари ва назоратчилари учун уюштирилган семинарда назоратчилар видеосеминарда

билимларини синовдан ўтказишди, ҳакамлар жисмоний тайёргарлик бўйича тест топиришди. Дарвоқе, тадбирда видеосеминарлар ёрдамида қатнашчиларга футбол қоидалари бўйича атрофлича маълумот берилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



ЁШ ФОТОСУРАТЧИЛАР КЎРГАЗМАСИ

Тошкент Фотосуратлар уйида ижодий фотография санъати мактаб-студияси қатнашчиларининг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилгига бағишланган 22-ҳисобот кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Бадий академияси таркибидagi Тошкент Фотосуратлар уйи фотография санъати оид танловлар, кўргазмалар, симпозиумлар, маҳорат сабоқлари, илмий-амалий семинар ва конференциялар ўтказишда фаол иштирок этмоқда.

Бу галги кўргазмада Н.Дехқонов, М.Арушанова, А.Тоҳиров, Ж.Норқозоқов, Н.Жўраева, С.Носирова каби битирувчи ва бўлажак фотографларнинг 150 дан ортиқ фотоасари намойиш этилмоқда. Фотоасарларда Ватанга садоқат, оилага муҳаббат, аёлга эҳтиром, дўстона туйғуларни қадрлаш ва экологик муҳитни асраб-авайлашга оид мавзулар талкин этилган. Ҳар бир фотоасар мафтуноклиги, ўзига хослиги билан томошабин эътиборини тортади.

– Болалигимдан фотосуратлар олишга иштиёқим баланд, – дейди Жавохир Норқозоқов. – Фотосуратларда инсоннинг ички олами, ҳис-туйғуларини акс эттиришга ҳаракат қиламан. Бу борада менга касб сирларини ўргатган, назарий ва амалий билим берган устозларимдан миннатдорман.

Кўргазмада турли соҳа вакиллари, санъат усталари, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Г.БОБОЕВА,
ЎзА мухбири

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига

ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳри

Миробод туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Мирзо Улуғбек туман 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топишганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топишган, лекин нотариус

лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топишганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);

7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома. Танловда йиғирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топишган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади.

Телефонлар: (0371) 236-78-52, 233-44-48, 269-00-05

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5233 нусхада босилади.
Қозғоқ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:

gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г-735

Нашр учун масъул

О. Ҳазратов

Босишга топирилди: 14.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРМОВ